







Шарқ тароналари

# ОЛАМНИ МАҲЛИЁ АЙЛАГАН ШАҲАР

Самарқандда ўтказилаётган аънавий «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали жаҳондаги энг нуфузли анжуманлардан бирига айланган қолди. Турли халқларни куй, оҳанг, кўшиқ сехри билан бирлаштираётган, турфа хил санъатлар ўртасида бебаҳо алоқалар ўрнатаётган мусиқа байрами бу йил еттинчи бор ўтказилди.

Энг улуг, энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг 18 йиллиги тантаналари арафасида, яъни шу йилнинг 25-29 август кунлари бўлиб ўтаётган фестивалга қизиқиш ҳар қачонгидан ҳам катта. Унда иштирок этиш учун мувожаат қилаётган давлатлар сони элликлдан ошиб кетди.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш республика штаби раҳбари Б.Якубовнинг айтишича, бу йилги фестивалда Коста-Рика, Қатар, Австралия, Мексика, Словакия сингари давлатлар илк бора иштирок этишадди. «Шарқ тароналари» шу тарихи йилдан-йилга дунёни ҳамраб олмақда. Унинг ЮНЕСКО халқаро маданият тадбирлари доирасига киритилганлиги ҳам нуфузига тасдиқ бўлади.

этилатгани, унга ўтган анжуманларда ижро этилган куй-қўшиқлар жамланган DVD, VCD дисклар, иштирокчи давлатлар каталогларининг илова қилиниши ҳам муҳим янгиликлардан саналади. Тадбирлар доирасида «Шарқ мусиқа маданиятининг жаҳон тамадунидаги ўрни» мавзусида халқаро илмий конференция ҳам ўтказилди. Конференцияни ўтказиш буйича ишчи гуруҳи раҳбари, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ректори Д. Муродовнинг таъкидлашича, тадбирнинг «Шарқ тароналари мусиқасини тадқиқ этишда янги услубий ёндашувлар», «Мустақиллик даври мусиқий манба шунослигидаги ютуқлар» ҳамда «Шарқ мумтоз мусиқисининг тарихий меросини тарғиб этишда халқаро фестивалларнинг ўрни» мавзуларидаги шўбаларда илмий конференциялар ўтказилиб, мусиқа санъати оид янги адабиётлар тақдироти ҳам бўлиб ўтади.

Ха, улкан санъат байрамига қадим ва ҳамisha навқирон Самарқанд алоҳида тайёргарлик билан кучоғини очмоқда. Шаҳардаги Регистон ансамбли ўзгача чирой касб этган. Тантаналар бўлиб ўтаётган «Сўғдиёна», «Ешлик» истироҳат боғлари, «Муъжиза» амфитеатри, «Сангзор» оромгоҳи меҳмонларни кутмоқда.



Бундан ташқари Самарқанд аэропорти, темир йўл вокзали тубдан таъмирланди. Шаҳар кўчалари кенгайтирилиб, ноёб дараклар, гуллар, майсазорлар билан бурқанди. Ташкил этилган янги хибоналар, хушманзара фавворалар, тикланган ўнлаб иншоотлар шаҳар қиёфасини ўзгартириб юборди. Меҳмонлар ташир буюрайдиган қишлоқ туманларида ҳам катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Тайлоқ, Жомбой, Оқдарё, Ургут, Самарқанд каби туманлар меҳмонларни кутмоқда. «Чавқи», «Чинор», «Миёнқол», «Бешқарсақ» сингари қатор халқ этнографик ансамбллари охирида дастурлар билан фестивал иштирокчиларини хушнуд этишди. Хуллас, Самарқанд ўз сехри, жилоси, бетакрор мусиқа байрами билан оламни яна бир бор мафтун этди. Дўстлик, меҳр-муҳаббат, эзгулик, инсонпарварлик руҳи билан сўғорилган куй-қўшиқлар оламни тутди.

Дунёни куй-қўшиққа тўлдиравер, «Шарқ тароналари»!  
Оламни маҳлиё айлайвер, гўзал Самарқанд!  
**Ўқтам ҚУРБОНОВ, «Mahalla» мухбири.**

«Mahalla» меҳмони

# Соғлом ва баркамол авлод

вояга етишида энг аввало ота-онанинг саломатлиги муҳим омил бўлади, — дейди Республика репродуктив саломатлик маркази директори, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Дилфуза ХАСАНОВА

— Дилфуза опа, мамлакатимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Сўбатимиз аввалида соғлом фарзандни дунёга келтиришда муҳим бўлган омиллар ҳақида тўхталиб ўтсангиз?  
— Бугунги кунда ёшларнинг эрта она қириш ҳолини кўп кузатишмоқда. Афсуски, 16-18 ёшларда аёл киши организмни соғлом фарзанд кўришига тайёр бўлмайди. Эрта фарзанд кўриш ёш она саломатлигига ҳам, ундан туғилмакчи бўла саломатлигига ҳам маълум даражада хавф туғдириши мумкин. Қизлар 20 ёшдан кейин жисмонан ва руҳан оналикка тайёр бўлади. Эрта турмуш қуриш кўпгина фарзандсизликка, боланинг ой кунини ётмай чала туғилиши каби асоратларга олиб келиши мумкин. Ҳомилдор бўлиш, унинг дунёга келтириш билан боғлиқ жараёнда она организмни ўзидан жуда кўп микдорда қувват сарфлайди, толиққа. Қизи ёганда аёл организм ўзини қайта тўлиқ тиклаб олиши, яъни набвотдаги фарзандни кўришига тўла тайёр бўлиши учун камидан 3-4 йил вақт керак.

тишида муҳим аҳамиятга эга. Аёллар учун фарзанд кўришининг энг қулай даври 20-30 ёш орталари ҳисобланади. Ёши ўтган, яъни 35 ва ундан юқори ёшда бўлган аёллардаги ҳомилдорлик нафақат аёлнинг саломатлиги, балки туғилмакчи фарзанд учун ҳам хавфлидир. Чўчки ушбу ёшдаги аёлларда ички аъзоларнинг касалликлари (камқонлик, эндокрин, юрак-қон томир, буйрак касалликлари ва ҳокazo) кўп учрайди. Бу эса, нафақат ҳомилдорлик даврини, балки турмуш жараёнини ҳам асоратга дучор этади.



— соғлом бола» дастури асосида шу кунга қадар бир миллиондан ортиқ ташкилий ишлар амалга оширилиб, улардан 94,5 фоизи маҳаллаларда, 4,2 фоизи ўрта махсус мактабларда ҳамда 1,1 фоизи олий ўқув юртида ўтказилди. Маҳаллаларда фертил ёшдаги аёлларни чуқур ва сифатли тиббий кўриқдан ўтказиш йўлига қўйилиб, улардаги мавжуд экстрагенитал касалликлар ёки ҳомилдорликни таққовчи хасталиклари текширилди. Ўтказилган текширувлар натижасида республикамиздаги хотин-қизларнинг 88 фоизи тиббий кўриқдан ўтказилиб, 67 фоизда экстрагенитал, 6,7 фоизда эса ҳомилдорликка мўтлақ монелик аниқланди. Айни пайтда касаллик аниқловчан аёлларни даволаш соғломлаштириш ишлари бошлаб юборилган.

«Mahalla» мухбири Моҳиҷаҳра ЈАТИПОВА сўбатлашди.

# Рустам ғолиблик учун даъвогар

Арманistonнинг Жермух шаҳрида ўн тўрт нафар грoссейстер иштирокчида ўтказилаётган Халқаро шахмат федерацияси — FIDE Гран-принсининг бешинчи bosқичида Рустам Қосимжонов ғолибликка даъвогарлик қилмоқда. Одилларини мағлубиятсиз давом эттираётган ўзбекистонлик грoссейстер олтинчи турда россиялик Эрнесто Инаркиев билан куч синнашиб рақибини мот қилди. Еттинчи турда Р.Қосимжоновга қарши дона сурган украинлик Василий Иванчук партиянинг бошида қоқиб қолди. Натижада аввалги икки турда ғалаба қозongan ҳамюртимиз ҳам ийгириманчи юришда рақибнинг тақлифини қабул қилди. Ҳозирча ҳар икки шахматчи тўрт аямтадан очко жағғариб, иккинчи ўринда бормоқда. Улар венгриялик Петер Лекон ярим очкога орта. Р.Қосимжонов навбатдаги партиядо россиялик Евгений



Алексеевага қарши қора доналарда ўйнайди.

# Вадим Меньков — жаҳон чемпиони

Канаданинг Дартмут шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш буйича ўтказилган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Вадим Меньков олтин медаль соҳиби бўлди. Каноэда эшкак эшиш буйича яқалликлар ўртасида 1000 метрлик беллашувларда ўзбекистонлик спортчи барча рақибларини орта қолдирди. У финал баҳсида маррага бир неча метр қолганида франциялик Матье Жубелдан ўзига кетди. Учинчи ўрин германиялик Себастьян Бренделга насиб этди. Вадим Меньков айна пайтда бир километрга каноэда эшкак эшиш буйича дунёнинг энг кучли спортчиси сифатида жаҳон рейтингини биринчи ўринга эгаллаб турибди.

# Чемпионат якунланди

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида пенчак-силат буйича биринчи мамлакат чемпионати бўлиб ўтди. Унда пойтахт спортчилари билан бир қаторда, вилоятлардан келган 200 нафардан зиёд йилгит-қизлар иштирок этишди. Умуманма ҳисобида пойтахтликлар биринчи ўринга сазовор бўлган бўлса, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари спортчилари кучли учинчи ўрин олишди. Пенчак-силат бу индонезияликларнинг миллий спорт тури бўлиб, Ҳиндистон, Хитой ва Япония жағ санъати усулларининг бирикмасидан иборат. Замонавий пенчак-силат қишлоқларида бошга зарба бериш тақиқланади, шунингдек, тана



махсус протектор билан ҳимояланганлиги хавфсизлик талабларига жавоб беради. Мамлакатимиз ёшлари ушбу спорт тури буйича ҳам кўпгина ютуқларни қўлга киритиб улгурди. Хусусан, 1-9 август кунлари Таиланднинг Бангкок шаҳрида ўтказилган жанговар яққақурашлар буйича I Оснн ўйинларида пенчак-силатчиларимиз — Жамолдин Салимжонов ва Бахтиёр Норовлар бронза медалларини қўлга киритишди.

М.ЧОРИЕВА тайёрлади.